

2-мартуза. Акли заифлик муаммоси ва акли заиф
болалар рухиятининг ривожланиш
хусусиятлари

РЕЖА:

1. Акли заифлик муаммоси.
2. Акли заиф болалар рухиятининг ривожланиш хусусиятлари.
3. Илмий тадқиқотлар.
4. Рухий ривожланиши суғлашган болалар ҳақида.

“Инсон юкори даражадаги уз-узини бошқарувчи, ёрдам берувчи, тикловчи, тугриловчи ва хатто такомиллаштириб борувчи бир мураккаб системадир”, - деган эди И.П.Павлов. Ҳа, бу хулосаларда жуда катта ҳақиқат борлиги бугунги кунда ҳеч кимга сир эмас.

Акли заифлик тушунчасини тугри тушунишнинг амалий ва назарий аҳамияти жуда катта. Назарий аҳамияти – болалардаги нуқсонли рухий тараккиётнинг моҳиятини чуқурроқ билиш учун зарур. Фаннинг ноаниқлиги, конкрет эмаслиги куп ҳолларда турли ҳатоликларга олиб келади. Шу сабабли, акли заифликни тулик, тугри тушуниш керак. Бу нарса утказилаётган илмий-тажриба ишларининг ҳам нотугри йулга тушиб қолишига сабаб булиши мумкин. “Акли заиф”ликка тугри таъриф, тушунча бериш, унинг сабабларини тугри тушунишга ёрдам беради. Бунинг амалий аҳамияти янада каттадир. Акли заиф болалар учун махсус укув-тарбия муассасалари мавжуд. Барча акли заиф болалар ёрдамчи мактабларда таълим олишлари керак. Акли заиф болаларни тугри аниқлаш, уларнинг бутун ҳаётини белгилаб беришини инобатга олиб, жуда эҳтиёткорлик билан ишлаш керак. Акли заифликни тугри аниқлаш атрофлича амалга оширилади. Агар бола акли заиф булмай, маълум хусусиятлари билан уларга ухшаса ҳам уларни акли заиф дея олмаймиз. Бу ерда боланинг турли анализаторларининг нуқсонлари асосида ҳам билим савиялари пасайган булиши мумкин. Айниқса, аклий нормал борлани янглишиб акли заиф деб хулосалаш асосида ота-оналарга, болага, атрофдаги қариндошларига жуда катта маънавий жароҳат етказишимиз мумкин. Шунинг ҳам эътиборга олиш керакки, акли заифларни укутиш-тарбиялаш давлатга бирмунча қимматга тушади. Нормал боланинг акли заиф ёки аксинча булиши ҳам катор салбий оқибатларга олиб келади. Акли заифлик сабаблари турли-туман булиши мумкин. Бош мианинг турли касалликлар билан касалланиши, турли жароҳатлар билан бирга мианинг яхши риволанмаслиги асосида ҳам акли заифлик келиб чиқиши мумкин. Акли заиф булиш учун 2 та омил бирга келиши керак. Булардан бири – марказий асаб тизимининг органик бузилиши, ҳамда шунинг оқибатида бола билиш фаолиятининг тургун пасайиши юз берган булсагина акли заиф деб

эътироф этиш мумкин. Хаётда акли заифларга ухшаган болаларни учратиш мумкин. Аммо, уларда билиш даражаси паст булса-да, бош мияда органик жарохатнинг йуклиги болага акли заиф дейишимизга имкон бермайди.

Эшитиш кобилияти турли сабабларга кура нисбатан пасайган, нутк камчилиги борлар, куриш даражалари заифлар, касалликлари сурункали давом этувчи болаларнинг билим эгаллаш хусусиятлари, даражалари узларининг нормал хисобланган тенгдошларидан нисбатан оркада коладилар. Аммо, бундай болаларни бизлар акли заиф дея олмаймиз. Чунки, уларнинг билиш фаолиятлари тургун пасаймаган. Улар билан тегишли шароитларда таълим-тарбия ишлари олиб борилса, улардаги билиш камчиликлари тугатилиб узларининг нормал тенгдошлариникига етиб олишга имкон яратилади. Баъзан, ота-оналарининг маълумотлари паст булган оилалардаги болаларнинг билим даражалари, ота-оналарининг маълумот даражалари юкори булган оилалардаги болалардан бирмунча фарк киладилар. Бундай холларда баъзан купчиликда нотугри тасаввурлар пайдо булиши мумкин. Тарбияси яхши ташкил килинмаган болалар хам баъзан турли хато хулосаларга олиб келиши мумкин. Аммо, бундай болаларда хам асосий белгилар бош миянинг органик бузилиши ва билиш жараёнларининг тургун пасайиши учрамайди. Шу сабабли бундай болаларни хам биз акли заиф дея олмаймиз.

Лекин, шуни хам кайд этиб утиш уринлики, хар кандай бош миянинг органик бузилишлари акли заифликка олиб келавермайди. Акли заифлик тушунчаси бирмунча кенг тушунчадир. Бунинг ичига хомила ва илк гудаклик даврида турли сабаблар окибатида билиш даражаларининг пасайиши (олигофренлар) хам, икки ёшдан кейин билиш савиялари пасайган болалар (деменция) хам киради. 2 ёки 3-нчи гурух ногирони деганда маълум касаллик тушунилмаи, балки ногироннинг иш килиш кобилияти тушунилади.

Мактабгача ёшда шизофрения, тутканок, энцефалитлар билан бош мияси зарарланган барча болалар акли заиф булмаслиги мумкин. Шуни айтиш керакки, малакасиз ходимлар акли заифларни олигофренлар деб, ёки аксинча номлаб юрадилар. Уларнинг тасаввурларича, бу тушунчалар бир хилдай ахамиятга эга. Аммо, бу болалар бир-бирларидан фарк киладилар.

Олигофрения деганда хомиланинг она корнида, тугилишда ёки илк чакалоклик ёшида бош миясининг зарарланиши окибатида келиб чикадиган акли заифлик тушунилади. Турли сабаблар, касалликлар натижасида умумий, жисмоний хамда аклий томондан тараккиётда оркада колиш мумкин. Бундай болаларни инфантил ёки рухий ривожланиши сустлашган (ррс) болалар дейилади. Бу тоифа болалар хам акли заиф болаларга кирмайдилар.

1925-1930 йилларда акли заифликни талкин килишда катор хатоликлар юзага келди. Буларга мисол килиб педология окими тарафдорларини курсатиш мумкин. Уларнинг таъкидлашларича, болалар хақидаги катор фанлар: педагогика, психология, физиология, анатомия, мактаб гигиенаси каби фанларни синтез килишиб, янги фан яратишдир. Уларнинг фикрича, хотира, диққат, тафаккур ҳамда шахсий хусусиятлар тугма мазмун касб этар экан. Педологлар акли заифликнинг мохиятини тушунтирар экан, бу аклнинг камлиги хисобланиб, ота-онадан болага мерос булиб утар экан. Бундай ноилмий йуналиш тарафдорлари 1936 йилги махсус қарор орқали тугатилди.

Рухий ривожланишнинг сусайиши хақидаги маълумотлар асосан XX асрнинг иккинчи ярмидан кейин кузга ташлана бошлади. Дастлабки маълумотларга қараганда рухий ривожланишнинг сусайиши вақтинчалик ҳолат деб тасаввур қилинган. Бу ҳолатни чуқурроқ урганган сари, рухий ривожланишнинг сусайиши аксарият ҳолларда вақтинчалик ҳолат эмас, балки тургун мазмун касб этар экан. Рухий ривожланишнинг сусайиш турлари қуйидагилардан иборат:

1. Рухий ривожланиш сусайишининг конституцион тури;
2. Рухий ривожланиш сусайишининг соматоген тури;
3. Рухий ривожланиш сусайишининг психоген тури;
4. Рухий ривожланиш сусайишининг органик церебрал тури.

Бу муаммонинг атрофлича урганилишига Власова Т.А., Певзнер М.С., Лубовский В.И., Лебединская К.С., Шоумаров Г.Б., Мамедов К.К. ва бошқалар самарали хисса қўшдилар. Олигофренопсихологияда акли заифликнинг уч даражаси хақида билимлар берилади. Акли заифликнинг енгил даражаси – дебиллик деб юритилади.

Уртача даражадаги акли заифликни эса – имбециллик деб номланади. Акли заифликнинг оғир даражасини – идиотлик деб юритилади.

Қискача буларнинг ҳар бири хақида тухталиб утамыз.

Дебил болалар акли заифликнинг энг енгил даражаси булиб, ёрдамчи мактабнинг 8 йиллик дастур материалларини муваффақиятли эгаллайдилар. Бу болалар ёрдамчи мактабни битириш билан бирга маълум касб, мутахассислик ҳам эгаллайдилар.

Имбецил болалар оммавий тарзда таълимга жалб этилмайди. Бу тоифа болаларнинг айримлари ёрдамчи мактаб қошларида ташкил этилган имбецил болалар синфларида тажриба тарзида уқитилади. Бу болаларнинг билим олиш даражалари бирмунча чекланганлиги сабабли, уларнинг барчаси уқий олмайдилар. Бу даражадаги акли заиф болалар мустақил ҳаёт кечира олмайдилар.

Акли заифликнинг оғир даражаси идиотлик деб юритилиб, улар умуман таълимга жалб этилмайди. Бу тоифа акли заиф болалар ижтимоий-таъминот муассасаларида

сакланадилар. Шу муассасаларда бундай болалар тарбияланадилар, даволанадилар. Бу болаларда нутк деярли ривожланмаган. Уз-узларига хизмат килиш малакалари деярли шаклланмаган. Бу болаларнинг харакат тизимлари хам бузилганлиги окибатида уларнинг юриш-туришлари хам узига хос куруниш касб этади. Бу болалардаги барча салбий хислатларга карамасдан, уларда хам маълум даражадаги элементар куникма, малака, одатлар тарбиялаш мумкин.

1950 йиллардан кейин И.П.Павлов таълимоти чукуррок, ижодий урганиш асосида акли заифликни тор тушунишга чек куйилди. Бу таълимот асосида “химояловчи-сакловчи” жараённинг мохияти очиб берилди. Рухиятнинг рефлекс назарияси марказий асаб тизимининг касалланиши натижасида иш килиш қобилиятининг бузилишини оидинлаштириб берди. Акли заиф болалар олий асаб фаолиятларининг хусусиятлари борасида А.Р.Лурия, М.С.Певзнер томонидан амалга оширилган илмий ишлар жуда катта назарий ахамиятга эга булади. 1962 йилдаги Халқаро кенгаш олий асаб фаолияти физиологиясининг философик масалаларини тугри тахлил килишга ёрдам берди.

Машхур психолог, олигофренопсихологиянинг асосчиси Л.С.Виготский таълимоти жуда катта назарий, амалий ахамият касб этди. Хозирги кунда Л.С.Виготский таълимоти янада долзарблашиб бормокда. Турли этмологик омиллар асосида келиб чиқадиган акли заифларни дифференцирлашган холда таълимга жалб этиш ишлари ишлаб чиқилмокда.

Катор илмий-тажриба кузатишларининг курсатишича, акли заиф ва нормал болалар тараккиёти ягона, умумий ривожланиш қонуниятлари асосида амалга ошар экан. Нормал ривожланиш барча босқичларида динамик тарзда амалга ошса, акли заиф болалар ривожиди бирмунча четга чиқиш кузга ташланар экан. Акли заиф болалар ривожланиши бош мия нуксони асосида кечар экан. Демак, акли заиф болалар марказий асаб тизимининг турли томонлари, рухий жараёнлар адинамик тарзда ривожланади. Бу борада Л.С.Виготскийнинг “бирламчи” ва “иккиламчи” нуксонлар назарияси, “эришилган” ва “якин вақтларда ривожланиши мумкин булган даража” хақидаги илмий ишлари ниҳоятда катта ахамият касб этади. Бирламчи нуксонлар деганда бош мианинг турли салбий таъсиротлар окибатида органик бузилишини тушунамиз. Бундай салбий таъсиротларга турли жарохатлар, урилишлар, касалликлар қиради. Буларнинг барчаси бош миани у ёки бу даражада зарарлайди. Юқоридаги бирламчи нуксонлар таъсири остида иккиламчи нуксонлар юзага келади. Бундай нуксонларни иккиламчи ҳосилалар хам деб юритилади. Иккиламчи нуксонларнинг мазмуни, асосан бирламчи нуксонларнинг чуқурлигига, даражасига, юз берган вақтига қуп жихатдан боғлиқ. Иккиламчи нуксонлар бевосита акли заиф бола шахсидаги турли узғаришлардир. “Эришилган” (актуал) тараккиёт зонаси деганда текширилаётган вақтдаги боланинг тараккиёт даражаси тушунилади. “Якин

вактларда ривожланиши мумкин булган зона” эса, маълум таълим- тарбия, тараккиёт боскичларидан кейинги ривожланиш даражасини тушунамиз. Л.С.Виготскийнинг таъкидлашича, таълим-тарбия тараккиётдан олдинда боради. Тараккиёт, ривожланиш эса таълим-тарбиядан кейин боради. Шу сабабли таълим-тарбияни боланинг “эришилган”, тараккиёт даражасига асосланиб эмас, балки боланинг якин вақтларда ривожланиши мумкин булган даражага” асосланиб ташкил қилиш лозим. Маълумки, акли заиф бола тафаккурининг ривожланмаслиги асосида бош мия пустлок остки қисмлар фаолиятининг бузилиши ётади. Педагоглар фикрича, акли заиф бола тараккиёти давомида назарий билимларни эгаллаб боради. Аммо боланинг аклий коэффициентини (IQ) узгармайди деган фикрни ёқлаб чиққанлар. Рухиятнинг ривожини оғир даражадаги акли заифларда ҳам давом этади.

Хатто, аклий нуқсон оғирлашиб боровчи ҳолатда ҳам рухий ривожланиш давом этади. Бола рухияти ҳар қандай оғир нуқсонда ҳам ривожланиб бориш хусусиятига эга экан. Ж.И.Шифнинг эътирофи этишича, “Акли заиф бола рухияти, нормал бола рухияти каби ривожланиш даврларини бошидан кечиради” Рухиятнинг ривожланиш қонуниятларига таълим-тарбия ҳам маълум даражада таъсир этади.

Олигофрения муаммосига бағишланган адабиётларни таҳлил қилсак, 2 та узига ҳос оқимни қуриш мумкин.

Биринчи оқим тарафдорларининг таъкидлашларича, акли заиф бола у ёки бу даражада содда, элементар билимларни узлаштиради. Аммо, улар умумлаштириш, абстракциялаш жараёнларини нормал болалардек бажара олмайдилар. Рухиятнинг қайси соҳасини олманг, тараккиётда юқори даражага ета олмайдилар. Буларнинг асосида етакчи қамчилик булган умумлаштириш жараёнларининг заифлиги ётади.

Иккинчи йўналиш Л.С.Виготский томонидан ишлаб чиқилган. Рухий тараккиётни ягона жараён деб ҳисоблаб, ҳар бир ривожланиш босқичи ундан олдинги ривожланиш даражасига бевосита боғлиқлигини уқтиради. Л.С.Виготский бирламчи ва иккиламчи нуқсонларни ажрата билиш зарурлигини қурсатади. “Дастлабки ва тез-тез ўқрайдиган нуқсон психологик функцияларнинг ривожланмаслигидир. Бунинг асосида хотира, тафаккур, характер бузилишлари ётади. Нуқсонли бола рухияти ривожланишининг асосий белгиси биологик ва маданий ривожланиш орасидаги боғлиқликнинг бузилишидир”, - деб таъкидлайди Л.С.Виготский.

Боладаги биологик нуқсон уз навбатида маданий билимларни эгаллашга тусқинлик қилади. Л.С.Виготский назариясига қура, олий рухий функциялар - хотира, тафаккур, характер маданий ривожланиш маҳсулидир. Акли заиф бола ривождаги биологик ва маданий соҳаларнинг бир-биридан узоклашиши натижасида улардаги интилиш ва

талаблар диагармоник, уйгун булмаган тарзда шаклланади. С.С.Корсаков 1905 йилда чоп этилган “Микроцефаллар психологияси” асарида “Чукур даражадаги акли заиф болаларда атрофни билишга булган интилиш шаклланмаган” – деб таъкидлаган эди. Бу фикрларни Г.Е.Сухарева уз ишларида ривожлантиради. М.Г.Блюмина эса “Богча ёшидаги олигофрен болаларга бушлик, заифлик, ташаббуссизлик, кизикишларнинг етишмаслиги хосдир” – деб курсатади. Шунини кайд этиш уринлики, акли заиф болаларда жинсий етилиш муддатидан бирмунча олдин патологик тарзда юз беради. Албатта, бу холат нуксонли мазмун касб этади.Шунинг асосида секин-аста барча рухий ривожланиш бузила бошлайди. Акли заиф болалар нутки бирмунча секин ривожланиб боради. Бунинг натижасида акли заиф болалар атрофидагилар билан муомаласи кечикиб боради. Маълумки, жамоа бола рухиятининг ривожиди етакчи омил вазифасини утайди. Аммо, акли заиф болалар нормал тенгдошларидан ажралиб, четда қоладилар. Акли заиф бола рухиятининг ривожини ички ва ташки нохуш шароитлар асосида кийин амалга ошади. Асосий нохуш омилларга боладаги кизикишларнинг заифлигини, кийин укувчанлигини, ёмон идрок этишларини курсатиш мумкин. Акли заиф болалардаги бундай хислатлар ички биологик белгилардир. Шулар асосида акли заиф бола, болалар жамоасидан четга чикиб қолади. Л.С.Виготский узининг 1936 йилда чиккан “Тараккиёт диагностикаси ва кийин болаликнинг педологик клиникаси” номли асарида куйидаги фикрларни билдиради. “Симптом бирламчи нуксондан канча узок турса, шунча осон тарбияга, даволашга берилади”. Бу кулланмада нуксонлиликини эрта диагностика килишнинг ахамиятли эканлигини алохида курсатиб утади. Муаммо юзасидан салмокли илмий ишлар М.С.Певзнер ва В.И.Лубовский фаолиятларига тугри келади. Улар узларининг узок йиллик кузатишлари асосида 1963 йилда “Олигофрен болаларнинг тараккиёт динамикаси” деб номланган фундаментал асарларида акли заиф болаларнинг аклий тараккиётидаги самарали даврларни курсатиб берганлар. Муаллифларнинг таъкидлашларича, таълимнинг дастлабки йилларидаги хар тарафлама педагогик таъсирга карамай, акли заиф болаларнинг аклий ривожини секин амалга ошар экан. Акли заиф бола тараккиётида 3-4 синфлар асосий рол уйнар экан. Бу ёшларда уларнинг аклий ривожиди сезиларли силжишлар юз берар экан.

Усмирлик даврида, эгалланган билимлар мустахкамланиб борар экан. Аммо, билим эгаллаш билан, уни амалда куллай олиш орасида катта фарк юзага келар экан. Акли заиф болаларнинг рухий тараккиётида юкори синфлар етакчи рол уйнар экан. Албатта, олимларнинг хулосалари асосий, акли заиф болаларнинг купчилигига тааллукли. Бизнингча, айрим акли заиф болалар юкоридаги айрим ёш даврларига тула мос келмаслиги мумкин. Бу табиий хол, албатта.

Аклий заиф болаларнинг интеллектуал тараккиётига таълимнинг таъсирини чет эл олимлари ҳам узига хос йуналишларда урганганлар. А.Д.Кларкнинг эътироф этишича, таълим акли заиф болалар аклий тараккиётига самарали таъсир этмас экан. Муаллиф акли заиф болалар билан ишлашда асосан машқлар методини таклиф килади. Француз олими Клод Колер эса, аклий тараккиётда кул харакати машқларини купрок куллаш лозимлигини тавсия этади. Аммо, муаллиф турли кул харакатларининг акли заиф боланинг умумий тараккиётига кандай таъсир этишини баён этмаган. Швейцариялик П.Моор эса, акли заифларга диний тарбия беришни тавсия килади. 1963 йилда Англияда Норман Эллис томонидан акли заиф болалар рухий жараёнларининг ривожланиш хусусиятларини очиб беришга багишланган кулланма чоп этирилди. Юкоридаги муаллифлар уз ишларида асосан акли заиф болаларнинг ривожланишига оид бир томонлама ёндашилган маълумотларни берганлар.

Чет эл олимлари орасида илгор фикрли олимлар ҳам купчиликни ташкил килади. Буларга мисол килиб Э.Хайссерманни, Р.Зазони, Дж..Уортисни курсатишимиз мумкин. Бу мутахассисларнинг эътироф этишларича, акли заиф болаларда ҳам потенциал ривожланиш имкониятлари мавжуд экан. Акли заиф болалар рухиятининг ривожланиш динамикасини бузиб курсатувчи окимлар ҳам мавжуд. Буларга мисол килиб “чегара”, “тараккиётнинг тухташи”, “тараккиёт чегараси”, “дегенерация назарияси”, “ахлокий нуксонлилик” каби катор ноилмий карашларни курсатиш мумкин. Аммо, илгор чет эл олимларининг ва мамлакатимизнинг олимлари томонидан кулга киритилган илмий тажриба ишларининг натижалари юкоридаги карашларнинг асосизлигини аллакачонлар исбот килди.

САВОЛ ВА ТОПШИРИКЛАР

1. Бирламчи нуксонлар деб нимани тушунасиз?
2. Иккиламчи нуксонлар деб нимани тушунасиз?
3. Нормал ва нуксонли болалар тараккиёти орасидаги фарк нималарда ва кандай намоён булади?
4. Акли заиф болалар рухиятининг ривожланишига оид кандай гоаяларни биласиз?
5. Акли заиф бола тараккиётига оид кайси ишларни биласиз?

А Д А Б И Ё Т Л А Р

1. Мамедов К., Шоумаров Г. Акли заиф болалар психологияси. Тошкент, 1994-9-16-бетлар.

2. Мамедов К., Шоумаров Г. Рухий ривожланиши сустлашган болалар хакида. Тошкент, 1993.
3. Гримак Л.П. Резервы человеческой психики. М., 1989.
4. Рубинштейн С.Я. Психология умственно отсталого школьника., М., 1986, 45-60-бетлар.
5. Виноградова А.Д. Практикум по психологии умственно отсталого ребёнка. М., 1985, 9-13-бетлар.
6. Певзнер М.С., Лубовский В.И. Динамика развития детей-олигофренов. 1963. 3-22-бетлар.
7. Шиф Ж.И. Особенности умственного развития учащихся вспомогательной школы. М., 1965, 3-19-бетлар.

ТАЯНЧ СУЗЛАР ВА ТУШУНЧАЛАР

1. Акли заифлик – бола бош миясининг 2 ёшдан, нутки чикканлан кейинги даврларда бош миялари зарарланиши натижасида аклнинг пасайиши.
2. Деменция – боланинг хаёт давомида турли бош мия касалликлари натижасида билиш жараёнларининг пасайиш холатидир.
3. Психик ривожланишнинг сусайиши (ПРС) – бош мияда органик жарохатлар деярли булмаган холда бола шахсиятида хиссиёт, ирода сохаларида турли камчиликлар юз беради. Бу болалар акли заиф хисобланмайдилар. Лекин, махсус мактаб, синфларда таълим олишлари лозим.
4. “Бирламчи” ва “Иккиламчи” нуксонлар: “бирламчи” нуксон – бош миянинг органик жарохати, “иккиламчи” нуксон эса “бирламчи” нуксонларнинг асоратлари, хосилаларидир.

“Бешикдан кабргача билим урган”

Донолар угити